

Ўзбекистон Республикаси
Монополияга қарши курашиш
қўмитасининг 28.07.2020 йилдаги
613/02-11-сон хатига илова

Қонун ҳужжатларининг рақобатга таъсирини баҳолаш бўйича ХУЛОСА № 30

I. Умумий маълумотлар

Хулоса Адлия вазирлигига 2019 йил 19 апрелда 3155-сон билан рўйхатга олинган Қонун ҳужжатларининг рақобатга таъсирини баҳолаш методикаси асосида тайёрланди.

1. Лойиҳани тақдим этувчи орган номи:

“Ўзбеккино” миллий агентлиги.

2. Лойиҳанинг номи ва тури:

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2020-2030 йилларда Ўзбекистон Республикасида кинематография соҳасини ривожлантириш концепциясини давлат томонидан қўллаб-қўвватлаш ва тасдиқлаш тўғрисида”ги Фармони лойиҳаси.

3. Лойиҳани ишлаб чиқиши учун асос:

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 2 марта “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили”да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида”ги ПФ-5953-сон Фармони

4. Лойиҳанинг қисқача мазмуни:

“Ўзбеккино” миллий агентлиги номи Ўзбекистон Республикаси Кинематография миллий агентлигига (кейинчалик-Агентлик) ўзгартирилмоқда ва кинематография соҳасида миллий регулятор (тартибга соловчи) этиб белгиланмоқда.

II. Тадбиркорлик субъектларининг асосий гурӯҳлари бошқа масъул шахслар ҳамда тақлиф этилаётган ҳужжатда давлат органларининг манфаатларига доир масалалар тартибга солинадиган маълумотлар

5. Ҳужжат билан манфаатлари назарда тутилаётган гуруҳ иштирокчиларининг таснифи:

тадбиркорлик субъектлари гурӯҳлари – кинематография соҳасида фаолият юритаётган тадбиркорлик субъектлар;

давлат органлари гурӯхи – “Ўзбеккино” миллий агентлиги, Маданият вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Молия вазирлиги, Иқтисодиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, Адлия вазирлиги, Қурилиш вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси, Давлат активларини бошқариш агентлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлар ва бошқа вазирлик, идоралар;

бошқа иштирокчилар гурӯхи муносабатлари – Ўзбекистон кинематографиячилари Ижодий уюшмаси.

6. Янги ёки амалдаги функцияларга киритилаётган ўзгартиришлар, ваколатлар, мажбуриятлар, имтиёзлар, преференциялар, давлат органлари хукуклари ва уларни амалга ошириш тартиби тўғрисида, шунингдек, киритилилаётган чекловлар бўйича ҳамда бошқа маълумотлар:

6.1. Фармон лойиҳасининг:

2-банднинг иккинчи хатбохисида Агентлик бадийфильм, хужжатлифильм, илмий-оммабоп, ўқув методик фильмлар, киноалманахлар, киножурналлар, мультиликацион фильмлар, сериаллар, қисқа метражли фильмлар ва болалар юмористик фильмларини ишлаб чиқариш билан боғлиқ маҳсулотларни (ишлар, хизматлар) сотиб олиш, давлат буюртмаси доирасидаги фильмлар, шунингдек, киномаҳсулотларнинг бошқа турларини субтитрлаш ва дубляж қилиш бўйича тўғридан-тўғри шартномалар тузиш хукуки белгиланмоқда.

6.2. 3-бандида “Ўзбекфильм” ДУК негизида агентлик ҳузурида “Ўзбекфильм” Киноконцерн давлат муассасасини ташкил этилиши кўзда тутилган.

Мазкур банднинг тўртинчи хатбохисида “Ўзбекистон миллий кинофонди” ташкил этилиши назарда тутилган.

6.3. 5-бандида давлат-хусусий шериклик асосида “MEDIAUZ” миллий стриминг платформаси ташкил этилиши режалаштирилган.

6.4. 6-бандида “Ўзбекистон миллий кинофонди” ҳузурида Ўзбекистон кинематографиясининг Миллий маълумот маркази давлат муассасасини ташкил этилиши назарда тутилган.

6.5. 7-банднинг иккинчи қисмида Миллий кинематографияни ривожлантириш жамғарманинг қўйидаги асосий вазифалари белгиланган:

- миллий фильмларни ишлаб чиқариш, ижарага бериш, намойиш қилиш;
- маҳаллий кинематографияни ривожлантириш, жумладан кино ишлаб чиқариш, ижарага бериш, намойиш қилиш ва миллий фильмларни тарғиб қилиш.

6.6. 9-бандида Агентлик давлат-хусусий шериклик асосида таржима ва дубляж Миллий киномарказини ташкил этилиши кўрсатилган.

6.7. 10-банднинг тўртинчи хатбохисида Агентлик, Молия вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Божхона қўмитаси, “Uzbekistan airways” АЖ, “Ўзбекистон темир йўллари” АЖ, “Ўзбекинвест” ЭИМСК кинозаллар учун кинопроекцион техника, асбоб ускуналар ва мебелларга 0% ставка бўйича имтиёз ва преференциялар қўллаган ҳолда тўлиқ молиялаштириш, ташиб, суғурта ва божхона расмийлаштирилиши таъминлаш белгиланган.

Ушбу банднинг бешинчи хатбохисида Агентлик давлат-хусусий шериклик асосида тўғридан-тўғри шартномалар тузиш амалиётини қўллаган ҳолда, “Кино савдо марказлари”ни бизнес ҳамжамияти вакилларига узоқ муддатли, пулли кредит, ўрта ва узоқ муддатли фойдаланишга топширилиши назарда тутилган.

6.8. 11-бандида Ўзбекистон кино саноати соҳасида фаолият юритаётган юридик шахсларнинг “Миллий реестри”га кирувчи барча юридик шахслар 10 йил муддатга барча турдаги солиқ ва божхона тўловларидан озод этилиши кўзда тутилган.

6.9. 13-бандида Ўзбекистон Кинематографиячиларининг муаллифлик хукукларини ҳимоя қилиш палатасини ташкил этилиши белгиланган.

6.10. Фармон лойиҳасига илова қилинган Ўзбекистон Республикасида 2020–2030 йилларда кино саноати соҳасини ривожлантириш Концепциясининг (кейинчалик-Концепция) 5.3-банди тўртинчи хатбошида Миллий кинематография

реестрида рўйхатдан ўтмаган юридик шахслар учун кино саноатида мавжуд имтиёз ва афзалликлар қўлланилмаслиги кўрсатилган.

Шу билан бирга, Фармон лойиҳасига илова қилинган Ўзбекистон Республикасида кинематография соҳасини 2030 йилгача ривожлантириш Концепциясини 2020-2021 йилларда амалга ошириш бўйича “Йўл харитаси”нинг (кейинчалик –“Йўл харитаси”) 6-банднинг амалга ошириш механизмида давлат реестрига аъзо юридик ва жисмоний шахсларни қўллаб-қувватлаш ва имтиёзлар бериш, уларнинг фаолиятини янада ривожлантириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш ва Вазирлар Маҳкамасига киритиш белгиланган.

6.11. “Йўл харитаси”нинг 3-банднинг амалга ошириш механизмида “Ўзбеккино” Миллий агентлиги қошида миллий сериаллар ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган давлат студиясини яратиш назарда тутилган.

6.12. “Йўл харитаси”нинг 17-банднинг амалга ошириш механизмида Республика худудларида замонавий кинотеатрлар қуриш учун мос келадиган ер майдонларини аниқлаш ва ажратиш бўйича тегишли қарор лойиҳасини ишлаб чиқиш ва Вазирлар Маҳкамасига киритиш кўзда тутилган.

6.13. “Йўл харитаси”нинг 28-банднинг амалга ошириш механизмида давлат буюртмаси асосида кино маҳсулотларини ишлаб чиқаришнинг минимал техник талаблари ва стандартларини тасдиқлаш ва мамлакатда ишлаб чиқарилаётган барча кино маҳсулотларини “Миллий фильмлар фонди”га мажбурий сақлаш учун топшириш бўйича техник талабларни белгилаш назарда тутилган.

6.14. “Йўл харитаси”нинг 34-банднинг амалга ошириш механизмида “Ўзбеккино” Миллий агентлиги қошида фестиваллар дирекциясини ташкил этилиши назарда тутилган.

6.15. “Йўл харитаси”нинг 35-банднинг амалга ошириш механизмида “Ўзбеккино” Миллий агентлиги қошида “Миллий кинокомиссия” давлат муассасасини яратиш юзасидан тегишли қарор лойиҳасини ишлаб чиқиш ва Вазирлар Маҳкамасига киритиш кўзда тутилган.

6.16. “Йўл харитаси”нинг 38-банднинг амалга ошириш механизмида кино маҳсулот ишлаб чиқариш соҳасида аккредитация ва сертификатлаштиришнинг миллий тизимларини яратиш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш ва тегишли қарор лойиҳасини ишлаб чиқиш ва Вазирлар Маҳкамасига киритиш белгиланган.

III. Рақобатга таъсирнинг таҳлили

7. Хужжатни қабул қилинишининг оқибатлари прогнози

7.1. Фармон лойиҳасининг 2-банднинг иккинчи хатбошида Агентлик бадийфильм, хужжатлифильм, илмий-оммабоп, ўқув методик фильмлар, киноалманахлар, киножурналлар, мультиплекцион фильмлар, сериаллар, қисқа метражли фильмлар ва болалар юмористик фильмларини ишлаб чиқариш билан боғлиқ маҳсулотларни (ишлар, хизматлар) сотиб олиш, давлат буюртмаси доирасидаги фильмлар, шунингдек, киномаҳсулотларнинг бошқа турларини субтитрлаш ва дубляж қилиш бўйича тўғридан-тўғри шартномалар тузиш хуқуки белгиланмоқда.

Ўз навбатида, мазкур норма Ўзбекистон Республикасининг “Давлат харидлари тўғрисида”ти ва “Рақобат тўғрисида”ти Конунлар талабларига зид равища баён этилган.

Таъкидлаш керакки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 13 августдаги ПФ-5780-сон Фармонининг 27-бандида вазирлик ва идоралар, шунингдек, хўжалик бошқаруви органлари ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият

органларига давлат харидларини амалга оширишда истисно тарзида тўғридан-тўғри шартномалар тузиш хукуқини беришни назарда тутувчи норматив-хукуқий хужжатлар лойиҳаларини тайёрлаш ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритиш тақиқланган.

Шу билан бирга, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Миллий киноиндустрияни ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 2018 йил 24 июлдаги ПҚ-3880-сон қарори 2-банди еттинчи хатбошисида кинокомпанияларнинг, мулкчилик шаклидан қатъи назар, давлат буюртмаси бўйича кино маҳсулотларини ишлаб чиқаришдаги иштироки фақат “Ўзбеккино” МА томонидан қонун хужжатларига асосан ташкил этиладиган танлов асосида амалга оширилиши белгиланган.

Шунга асосан, Фармон лойиҳасининг 2-банднинг иккинчи хатбошисидан “Агентлик бадийфильм, хужжатлифильм, илмий-оммабоп, ўқув методик фильмлар, киноалманахлар, киножурналлар, мультиплекциян фильмлар, сериаллар, кисқа метражли фильмлар ва болалар юмористик фильмларини ишлаб чиқариш билан боғлик маҳсулотларни (ишлар, хизматлар) сотиб олиш, давлат буюртмаси доирасидаги фильмлар, шунингдек, киномаҳсулотларнинг бошқа турларини субтитрлаш ва дубляж қилиш бўйича тўғридан-тўғри шартномалар тузиш хукуқига эга эканлиги белгилансин” **жумласини чиқариб ташлаш зарур**.

7.2. Фармон лойиҳасининг 3-бандида “Ўзбекфильм” ДУК негизида агентлик хузурида “Ўзбекфильм” Киноконцерн давлат муассасасини ташкил этилиши кўзда тутилган.

Ўзбекистон Республика Фукаролик Кодексининг 76-моддасига кўра, бошқарув, ижтимоий-маданий вазифаларни ёки тижоратчиликдан иборат бўлмаган бошқа вазифаларни амалга ошириш учун мулкдор томонидан ташкил этилган ва тўла ёки қисман молиявий таъминлаб туриладиган ташкилот муассаса ҳисобланиши кўрсатилган.

Шу муносабат билан, “Ўзбекфильм” ДУКнинг асосий фаолияти тижорат фаолияти бўлганлиги сабабли ҳамда кино саноатида замонавий менежментни жорий этиш мақсадида уни ҳўжалик жамиятига айлантирган ҳолда **хусусийлаштириш мақсадга мувофиқ ҳисобланади**.

Шунингдек, мазкур банднинг тўртинчи хатбошисида “Ўзбекистон миллий кинофонди” ташкил этилиши назарда тутилган.

Шу билан бирга, Концепциянинг 15-қисмида Агентликнинг “Республика кино фонди” ДУК негизида “Ўзбекистон давлат Кино фонди” давлат муассасаси ташкил қилиниши белгиланган.

Бироқ, “Йўл харитаси”нинг 27-бандида “Ўзбеккино” Миллий агентлиги қошидаги “Республика кино фонди” ДУК негизида “Миллий фильмлар фонди” давлат муассасасини ташкил этиш кўзда тутилган.

Ушбу холатлар тушунмовчиликка олиб келмаслиги учун “Республика кино фонди” ДУК негизида “Ўзбекистон миллий кинофонди” давлат муассасасини ташкил этиш ва Фармон лойиҳасида ва унинг иловаларида шу билан боғлик нормаларни бир бирига мослаштириш лозим ҳисобланади.

7.3. Фармон лойиҳасининг 5-бандида давлат-хусусий шериклик асосида “MEDIAUZ” миллий стриминг платформаси ташкил этилиши режалаштирилган.

Бугунги кунда Республикаизда стриминг фаолияти билан шуғулланаётган бир нечта платформалар мавжудлигини (player.uz, mediabay, itv.uz, allplay.uz, mover.uz, beeline TV ва бошқалар) ва ушбу бозорда эркин рақобат муҳити ривожланганлигини кузатишимиз мумкин.

Ўз навбатида, давлат-хусусий шериклик асосида “MEDIAUZ” миллий стриминг платформаси ташкил этилиши мазкур бозорда инсофсиз рақобат муҳитини яратиши мумкин.

Таъкидлаш керакки, давлат-хусусий шериклик асосида лойиҳалар асосан давлатда иқтисодий, ижтимоий ва инфратузилмавий вазифаларни мустақил ҳал этишига ресурслар мавжуд бўлмаган соҳалардагина ташкил этилади.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 6 июлдаги ПФ-6019-сон Фармонининг талабларига кўра битта товар бозорида бешта ва ундан ортиқ хусусий тадбиркорлик субъектлари фаолият юритиб келаётган соҳаларда давлат иштирокидаги хўжалик юритувчи субъектларнинг, шунингдек уларнинг аффилланган шахсларининг хўжалик фаолиятини амалга ошириш ваколатлари берилган давлат муассасаларининг **таъсис этилишига йўл қўйилмайди**.

Юқоридагиларга асосан, Фармон лойиҳасининг 5-бандини ва унинг иловаларидан давлат-хусусий шериклик асосида “MEDIAUZ” миллий стриминг платформасини ташкил этилиши билан боғлиқ барча **бандларни чиқариб ташлаш лозим**.

7.4. Фармон лойиҳасининг 6-бандида “Ўзбекистон миллий кинофонди” хузурида Ўзбекистон кинематографиясининг Миллий маълумот маркази давлат муассасасини ташкил этилиши назарда тутилган.

Бугунги кунда мамлакатимизда иқтисодиётдаги давлат иштирокини қисқартириш, давлатнинг иқтисодиётга таъсирини камайтиришга қаратилган чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 17 январдаги ПФ-5635-сон Фармони билан тасдиқланган 2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили”да амалга оширишга оид Давлат дастурига асосан иқтисодиётни ривожлантириш ва инвестицияларни фаол жалб этиш соҳасида соғлом рақобат учун зарур шароитларни яратиш, ишбильармонлик ва инвестиция муҳитини тубдан яхшилаш, иқтисодиётда давлат иштирокини жиддий равишда камайтириш бўйича тегишли ишлар амалга оширилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Рақобат муҳитини янада ривожлантириш ва иқтисодиётдаги давлат иштирокини қисқартириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 2020 йил 6 июлдаги ПФ-6019-сон Фармонининг 2-бандида давлат иштирокидаги хўжалик юритувчи субъектларнинг, шунингдек уларнинг аффилланган шахсларининг ва хўжалик фаолиятини амалга ошириш ваколатлари берилган давлат муассасаларининг (мудофаа қобилияти ва миллий хавфсизлик мақсадларида бундан мустасно) таъсис этилишига (ташкил этишга ташаббус қўрсатишига) қуйидаги ҳолатларда **йўл қўйилмайди**:

битта товар бозорида бешта ва ундан ортиқ хусусий тадбиркорлик субъектлари фаолият юритиб келаётган соҳаларда;

давлат органлари томонидан ўзларига лицензиялаш, рўйхатга олиш, аккредитациядан ўтказиш ва рухсат бериш ваколати берилган соҳаларда.

Шунга кўра, “Ўзбекистон миллий кинофонди” хузурида Ўзбекистон кинематографиясининг Миллий маълумот маркази давлат муассасасини ташкил этиш мақсадга мувофиқ эмас, бу функцияни **Кинофондниг ўзига юклатиш лозим**.

Шу муносабат билан, Фармон лойиҳасининг 6-бандини чиқариб ташлаш керак.

7.5. Фармон лойиҳасининг 7-банднинг иккинчи қисмида Миллий кинематографияни ривожлантириш жамғарманинг қуйидаги асосий вазифалари белгиланмоқда:

- миллий фильмларни ишлаб чиқариш, ижарага бериш, намойиш қилиш;
- маҳаллий кинематографияни ривожлантириш, жумладан кино ишлаб чиқариш, ижарага бериш, намойиш қилиш ва миллий фильмларни тарғиб қилиш.

Таъкидлаш жоизки, Жамғарма юридик шахс ҳисобланмайди ва юқорида қайд этилган вазифаларни бажаролмайди.

Жамғарманинг асосий фаолияти қонун ҳужжатларида тақиқланмаган манбалар ҳисобидан шакллантириш ва унинг маблағларини белгиланган мақсадлар учун молиялаштириш ҳисобланади.

Шунга асосан, Фармон лойиҳасининг 7-банднинг иккинчи қисмидан “миллий фильмларни ишлаб чиқариш, ижарага бериш, намойиш қилиш” жумласини ва “маҳаллий кинематографияни ривожлантириш, жумладан кино ишлаб чиқариш, ижарага бериш, намойиш қилиш ва миллий фильмларни тарғиб қилиш” **жумласини чиқариб ташлаш зарур.**

7.6. Фармон лойиҳасининг 9-бандида Агентлик давлат-хусусий шериклик асосида таржима ва дубляж Миллий киномарказини ташкил этилиши кўрсатилган.

Ваҳоланки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 6 июлдаги ПФ-6019-сон Фармонининг талабларига кўра битта товар бозорида бешта ва ундан ортиқ хусусий тадбиркорлик субъектлари фаолият юритиб келаётган соҳаларда давлат иштирокидаги хўжалик юритувчи субъектларнинг, шунингдек уларнинг аффилланган шахсларининг хўжалик фаолиятини амалга ошириш ваколатлари берилган давлат муассасаларининг **таъсис этилишига йўл қўйилмайди.**

Шунга асосан ҳамда бугунги кунда мамлакатимизда таржима ва дубляж хизматини кўрсатадиган бир нечта хусусий студиялари фаолият кўрсатиб келаётганлигини инобатга олиб, давлат-хусусий шериклик асосида таржима ва дубляж Миллий киномарказини ташкил этиш мақсадга мувофиқ эмас. Шу боис, Фармон лойиҳасининг **9-бандини чиқариб ташлаш лозим.**

7.7. Фармон лойиҳасининг 10-банднинг тўртинчи хатбошисида Агентлик, Молия вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Божхона қўмитаси, “Uzbekistan airways” АЖ, “Ўзбекистон темир йўллари” АЖ, “Ўзбекинвест” ЭИМСК кинозаллар учун кинопроекцион техника, асбоб ускуналар ва мебелларга 0% ставка бўйича имтиёз ва преференциялар қўллаган ҳолда тўлиқ молиялаштириш, ташиш, сугурта ва божхона расмийлаштирилиши таъминлаш белгиланган.

Ушбу банднинг бешинчи хатбошисида Агентлик давлат-хусусий шериклик асосида тўғридан-тўғри шартномалар тузиш амалиётини қўллаган ҳолда, “Кино савдо марказлари”ни бизнес ҳамжамияти вакилларига узоқ муддатли, пулли кредит, ўрта ва узоқ муддатли фойдаланишга топширилиши назарда тутилган.

Ўзбекистон Республикаси “Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида”ги Конунининг 34-моддасига кўра, Давлат органларига, шу жумладан ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга ва бошқа ташкилотларга, шунингдек уларнинг мансабдор шахсларига битимлар тузиш, фойдани тақсимлаш, ижроия органи раҳбарини ва унинг аъзоларини сайлаш (тайинлаш) масалалари бўйича ҳамда тадбиркорлик фаолияти субъектларининг бошқарув органлари ваколатига тааллуқли бўлган бошқа масалалар бўйича қарорлар қабул қилиш, тадбиркорлик фаолияти субъектларига **кўрсатмалар ва бошқа фармойишлар бериш тақиқланади.**

Ўзбекистон Республикасининг “Рақобат тўғрисида”ги Конуни 12-моддасига асосан давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг:

хўжалик юритувчи субъектларнинг иқтисодий фаолиятига оқибатда рақобат чекланиши мумкин бўлган тарзда аралашиши,

айрим хўжалик юритувчи субъектларнинг фаолияти учун бошқа камситувчи ёки имтиёзли шартлар (шароитлар) **белгилаши тақиқланган**.

Шу муносабат билан Фармон лойиҳасининг **10-банднинг тўртинчи хатбоисини чиқариб ташлаш керак бўлади**.

Мазкур банднинг бешинчи хатбоисидаги “Кино савдо марказлари”ни бизнес ҳамжамияти вакилларига узоқ муддатли, пулли кредит, ўрта ва узоқ муддатли фойдаланишга факат Ўзбекистон Республикасининг “Давлат-хусусий шериклик тўғрисида”ги Конуни талаблари асосида тендер (танлов) ўтказган ҳолда топширилиши лозим бўлади.

7.8. Фармон лойиҳасининг 11-бандида Ўзбекистон кино саноати соҳасида фаолият юритаётган юридик шахсларнинг “Миллий реестри”га кирувчи барча юридик шахслар 10 йил муддатга барча турдаги солиқ ва божхона тўловларидан озод этилиши кўзда тутилган.

Мазкур ҳолат кино саноати соҳасида фаолият юритаётган Миллий реестрига кирмаган юридик шахсларга нисбатан тенг бўлмаган шароитлар яратилишига олиб келади.

Ўз навбатида, Ўзбекистон Республикаси “Рақобат тўғрисида”ги Конунининг 12-моддасига мувофиқ, давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг айрим хўжалик юритувчи субъектларга уларни товар ёки молия бозорида фаолият кўрсатаётган бошқа хўжалик юритувчи субъектларга нисбатан афзал ҳолатга қўядиган имтиёзлар, преференциялар ва енгилликларни асоссиз равишда бериши таъқиқланган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 31 майдаги “Имтиёзлар ва преференциялар бериш тартибини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3756-сон қарорида солиқ ва божхона имтиёзлари ҳамда преференциялар қонунлар ва Ўзбекистон Республикаси Президенти хужжатлари билан:

умуман тармоқлар, фаолият соҳалари, ҳудудлар учун берилиши, шунингдек, аниқ мақсадга эга бўлиши ҳамда аниқ ижтимоий, иқтисодий ва молиявий натижаларга эришишни таъминлаши зарурлиги;

вақтингчалик имтиёзлар Ўзбекистон Республикаси Президенти хужжатлари билан **3 йилдан ортиқ бўлмаган муддатга** берилиши;

индивидуал имтиёзлар, алоҳида ҳолларда, хусусий сектор инвестиция киритишдан манфаатдор бўлмаган тармоқларда ижтимоий аҳамиятга эга лойиҳаларни амалга ошириш учун, аниқ ижтимоий ёки иқтисодий асослар мавжуд бўлганда ёхуд Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Президенти хужжатлари билан берилиши белгиланган.

Юқоридагиларга асосан, Фармон лойиҳасининг **11-бандини чиқариб ташлаш лозим бўлади**.

7.9. Фармон лойиҳасининг 13-бандида Ўзбекистон Кинематографиячиларининг муаллифлик ҳуқуқларини ҳимоя қилиш палатасини ташкил этилиши белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 77-моддасида тижорат ташкилотлари ўзларининг тадбиркорлик фаолиятларини мувофиқлаштириш, шунингдек муштарак мулкий манфаатларини ифода этиш ҳамда ҳимоя қилиш мақсадида нотижорат ташкилотлар ҳисобланувчи уюшмалар (иттифоқлар) ва ўзга бирлашмаларига бирлашишлари мумкинлиги кўрсатилган.

Шунга кўра, жамоат бирлашмалари Ўзбекистон Республикасининг “Жамоат бирлашмалари тўғрисида”ги ва “Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисида”ги Конунларига асосан ихтиёрий ташкил этилиши мумкинлигини инобатга олиб,

Ўзбекистон Кинематографиячиларининг муаллифлик хукуқларини ҳимоя қилиш палатасини Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармони билан ташкил этиш мақсадга мувофиқ эмаслиги билдирилади.

Шу боис, Фармон лойиҳасидан Ўзбекистон Кинематографиячиларининг муаллифлик хукуқларини ҳимоя қилиш палатасини ташкил қилиш билан боғлиқ **бандларни чиқариб ташлаш лозим**.

7.10. Фармон лойиҳасига илова қилинган Ўзбекистон Республикасида 2020–2030 йилларда кино саноати соҳасини ривожлантириш Концепциясининг 5.3-банди тўртинчи хатбохисида Миллий кинематография реестрида **рўйхатдан ўтмаган юридик шахслар учун** кино саноатида мавжуд имтиёз ва афзалликлар кўлланилмаслиги кўрсатилган.

Мазкур норма кино саноати соҳасида фаолият юритаётган Миллий кинематография реестрида рўйхатдан ўтмаган юридик шахсларга нисбатан тенг бўлмаган ҳолатни юзага келтириб чиқаради ва натижасида рақобатнинг чекланишига олиб келади.

Ўз навбатида, Ўзбекистон Республикасининг “Рақобат тўғрисида”ги Қонуни 12-моддасига асосан давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг:

айрим хўжалик юритувчи субъектларга уларни товар ёки молия бозорида фаолият кўрсатаётган бошқа хўжалик юритувчи субъектларга нисбатан афзал ҳолатга қўядиган имтиёзлар, преференциялар ва енгилликларни асоссиз равишда бериши;

айрим хўжалик юритувчи субъектларнинг фаолияти учун бошқа камситувчи ёки имтиёзли шартлар (шароитлар) белгилаши тақиқланган.

Шу муносабат билан, Концепциянинг 5.3-банднинг тўртинчи хатбохисини ҳамда “Йўл харитаси”нинг 6-банднинг амалга ошириш механизмида “давлат реестрига аъзо юридик ва жисмоний шахсларни қўллаб-қувватлаш ва имтиёзлар бериш, уларнинг фаолиятини янада ривожлантириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш ва Вазирлар Маҳкамасига киритиши.” топширигини **чиқариб ташлаш зарур**.

7.11. “Йўл харитаси”нинг 3-бандида “Ўзбеккино” Миллий агентлиги қошида миллий сериаллар ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган давлат студиясини яратиш юзасидан тегишли қарор лойиҳасини ишлаб чиқиш ва Вазирлар Маҳкамасига киритиши назарда тутилган.

Юқорида қайд этиб ўтилган Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 6 июлдаги ПФ-6019-сон Фармоннинг талабларидан келиб чиқиб ҳамда бугунги кунда Ўзбекистон Республикасида киномаҳсулотни ишлаб чиқарадиган бир нечта давлат ва нодавлат киностудиялари фаолият кўрсатиб келаётганлигини инобатга олган ҳолда “Ўзбеккино” Миллий агентлиги қошида миллий сериаллар ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган давлат студиясини яратиш мақсадга мувофиқ эмас. Шунга кўра, “Йўл харитаси”нинг 3-бандини чиқариб ташлаш керак.

7.12. “Йўл харитаси”нинг 17-банднинг амалга ошириш механизмида Республика худудларида замонавий кинотеатрлар қуриш учун мос келадиган ер майдонларини аниқлаш ва ажратиш бўйича тегишли қарор лойиҳасини ишлаб чиқиш ва Вазирлар Маҳкамасига киритиши кўзда тутилган.

Маълумки, худудларда кинотеатрларни қуриш масаласини амалдаги талаб ва таклифдан келиб чиқиб амалга ошириши зарур. Жумладан, 2000-2010 йилларда мавжуд кинотеатр биноларига талаб бўлмаганлиги учун хусусийлаштирилди, бузилди, фаолият турларини тўйхона ва маросимлар ўtkазиш масканларига айлантирилди ва хаказо.

Шунга кўра, “Йўл харитаси”нинг 17-бандини қайта кўриб чиқиш лозим.

7.13. “Йўл харитаси”нинг 28-банднинг амалга ошириш механизмида давлат буюртмаси асосида кино маҳсулотларини ишлаб чиқаришнинг минимал техник талаблари ва стандартларини тасдиқлаш ва мамлакатда ишлаб чиқарилаётган барча кино маҳсулотларини “Миллий фильмлар фонді”га мажбурий сақлаш учун топшириш бўйича техник талабларни белгилаш назарда тутилган.

Кино маҳсулотларини ишлаб чиқаришда техник жиҳатдан тартибга солиш талаблари ва стандартларини жорий этилиши ушбу соҳада шуғулланувчи хўжалик юритувчи субъектларнинг фаолиятига тўғридан-тўғри таъсир кўрсатади ва қўшимча мажбуриятлар юкланиши натижасида рақобат муҳитига салбий таъсир кўрсатади.

Ўз навбатида, Ўзбекистон Республикасининг “Техник жиҳатдан тартибга солиш тўғрисида”ги Конуннинг асосий мақсади маҳсулотлар, ишлар ва хизматлар **хавфсизлигига доир мажбурий талабларни белгилаш, қўллаш ва бажариш соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборат**.

Шу муносабат билан, кино маҳсулотларини ишлаб чиқишида техник талаблари ва стандартларини жорий этиш мақсадга мувофиқ эмаслигини инобатга олиб, “Йўл харитаси”нинг 28-бандини чиқариб ташлаш зарур.

7.14. “Йўл харитаси”нинг 34-банднинг амалга ошириш механизмида “Ўзбеккино” Миллий агентлиги қошида фестиваллар дирекциясини ташкил этилиши назарда тутилган.

Ўз навбатида, ушбу дирекциянинг ташкилий ҳуқукий шаклини давлат муассаса ёки давлат унитар корхонаси сифатида ташкил этиш жоиз эмас.

Шунга кўра, ушбу дирекцияга юридик мақомини бермаган ҳолда ташкил этиш мақсадга мувофиқ.

7.15. “Йўл харитаси”нинг 35-банднинг амалга ошириш механизмида “Ўзбеккино” Миллий агентлиги қошида “Миллий кинокомиссия” давлат муассасасини яратиш юзасидан тегишли қарор лойиҳасини ишлаб чиқиш ва Вазирлар Маҳкамасига киритиш кўзда тутилган.

Таъкидлаш керакки, мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш жараёнларини тартибга солишида давлат иштирокини камайтириш, давлат бошқаруви тизимини марказлаштиришдан чиқариш ва демократлаштириш, давлат-хусусий шерикликни кенгайтириш, нодавлат, жамоат ташкилотлари ва жойлардаги ўзини ўзи бошқариш органларининг ролини оширишга қаратилган институционал ва таркибий ислоҳотлар олиб борилмоқда.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 6 июлдаги ПФ-6019-сон Фармонининг талабларига асосан давлат органлари томонидан ўзларига лицензиялаш, рўйхатга олиш, аккредитациядан ўтказиш ва рухсат бериш ваколати берилган соҳаларда давлат иштирокидаги хўжалик юритувчи субъектларнинг, шунингдек уларнинг аффилланган шахсларининг ва хўжалик фаолиятини амалга ошириш ваколатлари берилган давлат муассасаларининг (мудофаа қобилияти ва миллий хавфсизлик мақсадларида бундан мустасно) таъсис этилишига йўл кўйилмайди.

Шу боис, “Йўл харитаси”нинг 35-бандидаги “Ўзбеккино” Миллий агентлиги қошида “Миллий кинокомиссия” давлат муассасасини ташкил этиш бўйича тадбирларни чиқариб ташлаш зарур.

7.16. “Йўл харитаси”нинг 38-банднинг амалга ошириш механизмида кино маҳсулот ишлаб чиқариш соҳасида аккредитация ва сертификатлаштиришнинг миллий тизимларини яратиш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш ва тегишли қарор лойиҳасини ишлаб чиқиш ва Вазирлар Маҳкамасига киритиш белгиланган.

Ўз навбатида, кино маҳсулот ишлаб чиқариш соҳасида аккредитация миллий тизимини яратилиши рухсат олиш каби жараёнини вужудга келтириб, кино бозорига киришига қўшимча юклама бўлади ва шунинг натижасида рақобат муҳитини ривожланишига тўскенилик қиласди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Тадбиркорлик фаолияти соҳасидаги лицензиялаш ва рухсат бериш тартиб-таомилларини янада қисқартириш ва соддалаштириш, шунингдек, бизнес юритиш шарт-шароитларини яхшилаш чоратадбирлари тўғрисида”ги 2018 йил 11 апрелдаги ПФ-5409-сон Фармонига кўра тадбиркорлик фаолияти соҳасидаги 69 та лицензияланадиган фаолият ва рухсат бериш тартиб-таомилларининг айрим турларини, шу жумладан, уларнинг баъзи турларини бирлаштириш йўли билан бекор қилинган (*35 таси бекор қилинган ва 34 таси бирлаштириши йўли билан бекор қилинган*).

Шу билан бирга, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 28 апрелдаги 122-сон қарори билан тасдиқланган Мажбурий тартибда сертификатланадиган, Ўзбекистон Республикаси худудида ишлаб чиқариладиган ва унга олиб кириладиган маҳсулотлар турлари рўйхатида кино маҳсулотини сертификатлаштириш назарда тутилмаган.

Юқоридагиларга асосан, “Йўл харитаси”нинг 38-бандини чиқариб ташлаш лозим.

IV. ХУЛОСА

Юқоридагилардан келиб чиқиб, кинематография соҳасида давлат иштирокини камайтириш ҳамда фаолият юритаётган барча тадбиркорлик субъектларга тенг шароитлар ва соглом рақобат муҳитини яратиб бериш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2020-2030 йилларда Ўзбекистон Республикасида кинематография соҳасини ривожлантириш концепциясини давлат томонидан кўллаб-қўвватлаш ва тасдиқлаш тўғрисида”ги Фармони лойиҳасини ва унга илова қилинган Ўзбекистон Республикасида 2020–2030 йилларда кино саноати соҳасини ривожлантириш Концепциясини ҳамда Ўзбекистон Республикасида кинематография соҳасини 2030 йилгacha ривожлантириш Концепциясини 2020-2021 йилларда амалга ошириш бўйича “Йўл харитаси”ни **юқоридаги таклифлар ва эътиrozларни инобатга олган ҳолда қабул қилиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади**.